

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ ГЕОТИЗИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ

Дусанова Шарофат Болтабоевна

г.ф.н., доцент

Урганч давлат университети, “Геодезия, картография, география”

кафедраси

Халмуратов Ражаббой Ўктам ўғли

Магистрант

Урганч давлат университети, “Геодезия, картография, география”

кафедраси

Тангрибергана Ирода Икромовна

Магистрант

Урганч давлат университети, “Геодезия, картография, география”

кафедраси

Аннотация. *Оролбўйи ҳудудида танг экологик вазиятнинг юзага келиши, кескин ўзгарувчан геотизимларнинг динамикаси, ривожланиши ва уларнинг хозирги ҳолатига таъсир қилувчи иқлим, сув, тупроқ ресурслари тўғрисида маълумотлар берилиб, уларни олдини олиш чора тадбирлари кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар. *Хлорид, сульфат, ландшафт, тўфон, антропоген таъсир, шўрхок, грунт сувлари, тупроқ, ўсимлик, геотизим, минерализация, гидроморф, автоморф.*

ГЕОСИСТЕМЫ РЕГИОНА ПРИАРАЛЬЯ И ИХ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ

Аннотация: *Приведены сведения о возникновении сложной экологической ситуации в региона приаралья, показаны динамика и развитие быстро меняющихся геосистем, климатических, водных и почвенных ресурсов, влияющих на их современное состояние, и меры по их предотвращению. Ключевые слова. Хлорид, сульфат, ландшафт, шторм, антропогенное воздействие, осадок, подземные воды, почва, растительность, геосистема, минерализация, гидроморфа, автоморфа.*

GEOSYSTEMS OF THE ARAL REGION AND THEIR ECOLOGICAL STATE

Abstract: *Information about the emergence of a difficult environmental situation in the Aral Sea region is given. The dynamics and development of rapidly changing geosystems, climate, water, and soil resources that affect their current state and measures to prevent them are shown.*

Key words: *chloride, sulfate, landscape, storm, anthropogenic impact, sediment, groundwater, soil, vegetation, geosystem, mineralization, hydromorph, automorph.*

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ва унинг 78 миллиондан ортиқ халқини ташвишлантириб келаётган ҳозирги замоннинг энг йирик глобал аҳамиятга эга экологик фожиаларидан бири - Орол денгизи муаммосининг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатлари минтақанинг барқарор ривожини, генофондини ва келажак авлодига тўғридан - тўғри таҳдид манбаи бўлиб келаётганидир. Шу сабабли ҳам Орол фожиаси натижасида юзага келган экологик танг шароитни, денгиз тубининг қуриган қисмидаги ландшафт-экологик вазиятни яхшилаш ва Орол денгизи сатҳини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирларнинг илмий экологик-географик жиҳатдан асослаш шу куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Оролбўйи ҳудудда экологик хавфли вазиятларнинг юзага келишига кескин ўзгарувчан қуруқ иқлимнинг ҳуқумрон бўлиши жуда катта таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариб туриши баҳор ва қиш ойларида кучли шамолларни юзага келишига сабабчи бўлади. Йил давомида ҳудудда содир бўлувчи бу каби кучли тўфонларнинг сони 25 тадан ортади. Уларнинг 60% и шимолий – ғарбдан эсадиган шамоллар натижасида юзага келиб Орол денгизи қуриган қисмларидан кўп миқдордаги хлоридли ва сульфатли тузлар ҳамда оғир металии чанглари учираб келади. Айрим ҳолларда кучли шамоллар гектарига 20 - 30 м³ чанг тўшалмаларини яъни тахминан 500 кг\га келтириб ётқизади [3].

Ҳудудда ер ости сувининг саёзлиги ва юқори буғланиш даражаси сувда эриган тузларни ўсимлик илдиз зонасида тўпланишига олиб келади ва тупроқнинг шўрланиш даражасини оширади. Бугунги кунга келиб ҳудуднинг 90% ҳудуди тупроқ шўрланиши таъсири остида қолган. Тупроқнинг туз таркибида асосан хлоридли ва сульфатли тузлар устунлик қилади.

Шу сабабли Амударё дельталарида ҳамда Орол денгизи қуриган туб қисмининг геотизимлари ўзгарувчан ва шўрхокли хусусиятга эга, бу эса геотизимларнинг моҳиятини, яъни уларнинг характери, ривожланиш тенденцияси, барқарорлигини, нурашга ҳамда туз тўпланишига мойиллигини кўрсатади. [2]. Табиий компонентларни биомахсулдорликни ошириш ва геотизимлардаги ўзгаришларни барқарорлаштириш, турли салбий ҳодисалар, асосан чўлланиш ривожланишининг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларни қўллаш кераклигини тақоза қилади. Чунки геотизимларнинг бузилиши натижасида уларнинг трансформацияланиши кузатилади [3], яъни грунт сувлари-тупроқ-ўсимлик-геотизим, баъзи жойларда бошқачароқ: рельеф-тупроқ-ўсимлик-геотизим кўринишида кузатилади.

Оролбўйи минтақасида юза сувларининг минерализация даражаси Амударё суви туз режимига боғлиқ бўлиб тузлар миқдори 2014 йилда 1,7-1,9 г\л.ни ташкил

қилган бўлса, дарё суви миқдори камайган қурғоқчил йилларда 2015 ва 2022 йилларда 3,2 – 4,5 г\л.га етган. Ўз навбатида юза сувларининг шўрланиши ер ости сувлари туз режимига катта таъсир кўрсатади. Худудда ер ости сувлари сатҳи ва минерализация даражаси мавсумий ўзгарувчан бўлиб танг экологик вазиятлар асосан июль ойида ботқоқланиш, тупроқ шўрланиши, дарахтлар ривожланишининг сустлашиши, зах кўтарилиши каби кўринишларда юзага келади.

Бундай ҳолатдаги геотизимларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолашда, ҳудуднинг чўлланиши ҳамда Орол денгизи сатҳининг пасайиши, шунингдек, минераллашган дарё сувларидан геотизимларни суғориш учун фойдаланишда табиий муҳитнинг янада жадал суръатларда ўзгаришини эътиборга олиш зарур.

Геотизимлар динамикасида тупроқ қоплами тугалланган ривожланиш босқичига ёки гидроморф (яримгидроморф) ёки автоморф қаторининг барқарорлашган тупроқларига эга бўлиши керак. Оролбўйи минтақаси шароитида бундай ҳодисалар ҳозирда ривожланиш босқичида, шунинг учун ҳам бир қатор компонентлар, айниқса, ҳаракатчан қисмларида ривожланиш якуний босқичига етмаган [1].

Бундай шароитда бу жараённи барқарорлаштиришда дельтанинг денгизни қуриган қисмидаги геотизимларнинг динамикасига инсоннинг аралашуви мақсадга мувофиқ, шу асосда ҳудуд ландшафтларининг структуравий ва динамик ҳолатини мониторинг қилишга эришилади, чунки, геотизимларнинг табиий динамик ривожланишининг оқибатлари жуда каттадир. Маҳаллий табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, геотизимлар динамикасини тартибга солувчи ва уларнинг ривожланишини мақсадга мувофиқ йўналтиришга қодир бўлган комплекс, қатъий табақалаштирилган чора-тадбирлар зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Оролбўйи минтақасидаги табиий шароитнинг ҳозирги ҳолатини баҳолашда, экологик чора-тадбирларни қўллаш асосида геотизимнинг структурли-динамик ҳолатини бошқариш йўлларини ўрганиш, геотизимларни сифат жиҳатдан қайта ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг динамикасини бошқариш бўйича қўлланиладиган чора тадбирларни қулай вариантларини танлаш, Орол денгизининг сатҳини барқарорлаштиришнинг гидроэкологик асосларини аниқлаш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Рафиқов В.А. Проблема Арала и прогнозирование геосистем в интересах экологической безопасности Узбекистана. – Ташкент: ООО «Munis design group», 2014. – 108 с.
2. Хурсанов Д.Б. Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам на тему: Структура ландшафтов современной дельты Амударьи и закономерности дифференциации. Самарканд. 2019.

3. Ганиев З.А. Орол денгизи қуришининг геоэкологик оқибатлари ва унинг ечимлари. // Ўзбекистонда география фанининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Термиз, 2020. – Б. 438-439.